Тола хорижга жўнатилади

Сурхондарё. «Шўрчи пахта» ҳиссадорлик жамияти жамоаси ўтган йили 40 минг тоннадан ортиқ пахта толасини дунёдаги энг ривожланган Англия, Италия, Хитой, Жанубий Корея каби мамлакатларга экспорт қилган эди. Ҳар томонлама тўлиқ таъмирланган заводда жорий йилги дастлабки «оқ олтин» тонналари қабул қилинди. «Бу йилги мақсад ҳам бойлигмиз бўлган пахтани сифатли қайта ишлаб жаҳонга кўз-кўз қилишдир,— дейди жамият раиси Абдумурод Ҳусанов. 41 минг 50 тонна пахта қабул қилиш режалаштирилган ушбу йилда ҳам дастлабки сифатли пахта толаси хорижга жўнатиш учун тахт қилиб қўйилди».

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Маҳсулот сифатига олтин медаль

Шаҳрисабз консерва ишлаб чиқариш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти тайёрлаётган олма ва помидор шарбати кўпчиликка манзур бўлмоқда. Негаки, Швейцариядан келтирилган замонавий жиҳозларнинг ўрнатилиши чиройли ва бежирим идишларда маҳсулот чиқаришга имкон берди.

Яқинда Москвадан қувончли хабар келди: у ерда бўлиб ўтган «Гурлан-98» кўргазмасида корхона маҳсулоти ҳам намойиш этилган эди. Буни қарангки, маҳсулот олтин медалга сазовор бўлди. Бундан ташқари бир қанча хорижий мамлакатлар билан ҳам шундай маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартномалар имзоланди.

Нилуфар ТЎРАЕВА

Кутубхона яна бойиди

Яқинда Германиянинг илмий-тадқиқот жамияти ҳамда «Шпрингер» нашриёти республика илмий-техника кутубхонасига кимё бўйича 670 жилддан иборат «Гмелин» маълумотномасини совға қилди.

Кутубхонага бу маълумотноманинг берилиши нафақат кимёгарлар учун, балки металлурглар, технологлар, кристаллографлар ҳамда яна бир қанча соҳа вакиллари учун ҳам катта воқеа бўлди. Негаки, «Гмелин» 175 йилдан буён жаҳондаги энг нуфузли маълумотнома нашрларидан бири ҳисобланади.

Умматали ТЎРАХОНОВ

Эгизаклар байрами

Наманганда икки йилдан буён «Эгизаклар байрами» ўтказилади. Яқинда Бобур номидаги боғда шаҳардаги барча боғча ва мактаб ёшидаги эгизаклар тўпланиб, турли ўйин, викториналарда иштирок этишди. Шу куни аттракционлар уларга бепул хизмат қилди.

Дарвоқе, байрам арафасида Намангандаги туғуруқхоналардан бирида уч қиз дунёга келди. Оналари Муборак Қозоқова билан оталари Ҳошимжон Комилов анъанага биноан уларга Фотима, Зуҳра, Заҳро деб ном беришди.

Шаҳар ҳокимлиги томонидан бу оилага моддий ёрдам кўрсатилди.

Мамат МАҲМУД

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 29 сентябрь, сешанба • № 116 (23.353).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Президент ҳузурида қабул



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 сентябрь куни Осиё Тараққиёт Банкининг (ОТБ) вице-президенти Питер Саливанни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни диёримизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан ОТБ ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилганига ҳали кўп бўлмаган эса-да, у ўз самарасини бера бошлаганини мамнуният билан қайд этди.

— Осиё Тараққиёт Банки Ўзбекистон ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётган молиявий муассасаларнинг энг ишончлиларидан биридир,- деди Ислом Каримов учрашувда.— Алоқаларимиз яқинда қарор топганига қарамай, ҳозир талай қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон 1995 йилнинг августида мазкур банкнинг аъзоси бўлди. 1996 йилда эса, ОТБ мамлакатимизга ёрдам кўрсатиш стратегиясини қабул қилди. Шу асосда 1997 йилда банкнинг молиявий кўмаги билан қишлоқ хўжалиги, табиий захиралар, инфратузилма, автомобиль ва темир йўллари ҳамда таълим тизими бўйича тузилган лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисидаги меморандум имзоланди. Яқинда эса Осиё Тараққиёт Банки умумий қиймати 90 миллион АҚШ долларига тенг бўлган яна икки лойиҳани тасдиқлади. Мазкур лойиҳалар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳамда ўқув қўлланмалари ва дарсликлар нашр этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган. Бундан ташқари, ҳозир умумий қиймати 520 миллион АҚШ долларига тенг яна тўрт лойиҳа ОТБ томонидан ўрганилмоқда.

Учрашувда мамлакатимиз ҳукумати шу йил бошида ОТБ билан ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилгани ҳам алоҳида таъкидланди.

Питер Саливан кўрсатилаётган ишонч ва самимият учун Президентга миннатдорлик билдирди. Юртимизда бўлаётган ўзгаришлар ўзаро ҳамкорлик ривожи учун қулай замин яратаётганини қайд этди.

Суҳбат чоғида мавжуд қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилиш жараёни, биргаликда ҳаётга татбиқ этиш мумкин бўлган янги лойиҳалар муҳокама қилинди, ўзаро ҳамкорликка доир қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В.Голишев, Бош вазир ўринбосари Б.Ҳамидов иштирок этди.

Қабулда Осиё Тараққиёт Банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Нагараджа Гнанатурай ҳозир бўлди.

(ЎзА)

Суратда: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Халқаро симфоник мусиқа фестивали меҳмонларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга МУРОЖААТНОМАСИ

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрида Халқаро симфоник мусиқа фестивали ўтказилиши ҳақидаги хушхабарни биз мамнуният билан қабул қилдик. Гўзал Тошкент шаҳрига ташриф буюриб, бир ҳафта давомида концертлар, турли учрашув ва тадбирлар орқали янги-янги ажойиб симфоник асарлар билан яқиндан танишишга, машҳур санъаткор-ҳамкасблар билан дўстона мулоқотлар қилишга муяссар бўлдик.

Мамлакатингиздаги буюк ўзгаришларнинг, қисқа даврда эришилган оламшумул ютуқларингизнинг бевосита шоҳиди бўлганимиздан беҳад мамнунмиз. Ўзбекистонда бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган анъанавий миллий мусиқа билан бирга, жаҳон мусиқа санъатининг энг нодир соҳалари ҳам ривожланиб бораётгани мамлакатингизда умуминсоний қадриятлар эъзозланаётганлигини кўрсатади.

Ўтган йили Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг катта санъат байрамига айланганлиги ҳақида эшитган эдик. Энди эса, биз бу бежиз эмаслигига, ўзбек халқи чиндан ҳам санъатсевар халқ эканлигига яна бир бор ишондик.

Фестиваль давомида биз жуда қисқа тарихий муддатда ўзбек композиторларининг катта ижодий йўлни босиб ўтганига иқрор бўлдик. Ғарбу Шарқ мамлакатлари вакиллари учун ушбу фестиваль ғоятда қизиқарли ва самарали ўтди. Ўйлаймизки, Тошкент фестивали миллий ва умумбашарий мусиқий қадриятлар мавқеининг янада ошишига, уларни янада бойитишга хизмат қилади.

Тошкент бизда катта ва унутилмас таассурот қолдирди. Бу шаҳар билан танишгач, кейинги йилларда Сизнинг раҳнамолигингизда амалга оширилган ишлар, ҳақиқатан ҳам, ҳайратомуз эканлигига тан бердик. Сиз ва халқингиз бунёд этган бинолар мамлакатингиз қудратидан нишонадир.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, Президент жаноби олийлари ва Сиз орқали бетакрор маданият соҳиби бўлган, бағри кенг, меҳмондўст ўзбек халқига чуқур миннатдорлик изҳор этамиз.

Мамлакатингиз ижодий салоҳияти ҳавас қиладиган даражада эканлигини, ўзбек мусиқачилари дунё миқёсида ўтказилувчи энг нуфузли халқаро танлов ва фестивалларда белашишга қодир, юксак маҳорат эгалари эканлигини юрақдан эътироф этдик. Сизга сиҳат-саломатлик, эзгу ишларингизга муваффақият, юртингизга эса яна ҳам фаровонлик ва тинчлик тилаймиз.

Ҳурмат билан:
Халқаро симфоник мусиқа фестивали меҳмонлари номидан:

Петер ЧАЙЛД, АҚШ, Бостон университети профессори
Ялчин ТУРА, Туркия, композитор, халқаро танловлар лауреати
Валтер ЧИВИТАРЕАЛЕ, Люксембург консерваторияси профессори
Вирачат ПРЕМАНАНДА, Таиланд, Осиё композиторлар Лигаси Правлениеси аъзоси
Ли Геон ЁНГ, Корея, санъатшунослик институти директори, композитор
Ву ЖУН, Хитой, композитор
Жиа ЖИАНГ, Хитой, композитор
Патрик КРИСАТИС, Люксембург консерваторияси, ижрочи-созанда
Тонгсуанг ИСРАНГХУН, Таиланд, композитор.

Самимий қутловлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва халқингизга энг эзгу истаклар йўллашдан хурсандман.

Ўзбекистон ҳамда унинг халқи билан қалин ва самимий алоқаларни рағбатлантириш бизнинг орзу-ниятларимизга мос келади. Шу боис мен Ўзбекистоннинг Филиппин билан, хусусан экотуризм соҳасида, ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билиб, мамнун бўлдим.

Ишончим комилки мамлакатларимиз ўртасидаги самимий ва дўстона муносабатлар сақланибгина қолмай, балки бундан буён ҳам ривожланиб бораверади.

Фурсатдан фойдаланиб Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва ишларингизда муваффақиятлар, халқингизга эса тинчлик ва равнақ тилайман.

Жаноби Олийлари, ғоят юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Жозеф Эжерсито ЭСТРАДА,
Филиппин Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий куни менга Мальта Ҳукумати ва халқи номидан Сизга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига энг эзгу истаклар ва қутловлар йўллаш имкониятини беради.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлик, Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва равнақ тилайман.

Уго Мифсуд БОННИКИ,
Мальта Президенти.

Тезкор шарҳ

Германияда канцлер алмашди

27 сентябрь куни Германия Бундестагига бўлиб ўтган сайловда социал-демократлар партияси энг кўп — 40,9 фоиз овоз билан ғолиб чиқди. 298 депутатлик ваколатини қўлга киритган мазкур партия Бундестагдаги энг йирик фракция мақомига эга бўлди. Шундай қилиб, Христиан-демократлар иттифоқи етакчиси Ҳелмут Кол 16 йил эгаллаб келган канцлерлик курсисини Қуйи Саксония Бош вазири, социал-демократ — Герҳард Шредерга бўшатиб берадиган бўлди.

Шу ўринда Германия социал-демократлари етакчиси Герҳард Шредер хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқ жоиз. У 1944 йилнинг 7 апрелида Моссенбергда туғилган. Иккинчи жаҳон уруши даврида отасидан ажралган Герҳард кечки мактабда ўқиб, 14 ёшидан ишлашга мажбур бўлди. 1966-1971 йилларда у Геттинген университетида ҳуқуқшунослик бўйича таълим олди. 1963 йилда Германия социал-демократик партиясига аъзо бўлди ва ўша вақтдан эътиборан унинг ҳаёти мазкур партия билан боғланиб қолди. 1990 йилдан бошлаб у Қуйи Саксония ерлари Бош вазири лавозимида ишлай бошлади.

Кўриниб турибдики, Герҳард Шредер Германия ҳукуматига даъвогарлар орасида «кутилмаган» кишилардан эмас. Германияликлар айтмоқчи, 16 йиллик фаолияти давомида Ҳелмут Колга бундай жиддий рақиб учрамаган. Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр янги канцлерни ғалаба билан қутлар экан, «Германиядаги сайлов якуни Герҳард Шредер учун энг юқори чўққи бўлди. Мен уни жуда ҳам яхши биламан. У — салоҳиятли сиёсий арбоб», дегани ҳам бежиз эмас.

Дарвоқе, ҳар қандай давлатда юз берган ўзгариш — у хоҳ сиёсий, хоҳ иқтисодий жабҳада бўлсин, ён-атрофдаги қўшниларга бевосита ё билвосита таъсир этиши тайин. Шу сабабми, ҳозир Германиядаги сайлов якуни Европа доирасида баҳоланмоқда. «Германиядаги сайловда социал-демократлар партиясининг ғалабаси Европа учун муҳим воқеа ҳисобланади» дейди, Италия Бош вазирининг ўринбосари Валтер Велтрони. Франция Бош вазири Лионел Жоспен ҳам ўз ҳаяжонини яшира олмади. «Мазкур сайлов якунлари, — деди у, — германиялик сайловчиларнинг Европада ишсизлик муаммоларини ҳал этиш ва ижтимоий адолатли жамият сари интилишларининг ифодаси бўлди».

Тўғри, сайлов якунлари куни-кеча эълон қилинди. Бироқ, бугун германияликлар бўлажак ҳукумат қандай кўринишда, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, қанақа таркибда бўлишини муҳокама этиш билан банд. Маҳаллий кузатувчилар фикрича, янги ҳукумат икки хил йўл билан тузилиши мумкин: социал-демократлар билан «Иттифоқ-90» экология партияси коалицияси ёки социал-демократлар билан христиан-демократлар ҳамда Бавария христиан-социал иттифоқи ҳамкорлигидаги «катта коалиция».

Герҳард Шредернинг ўзи бўлажак ҳукумат Германия бирлигини аниқ таъминловчи мўътадил ҳукумат бўлади, деган фикрда. Унинг айтишича, давлат, касаба уюшмалари ва тадбиркорлар вакилларидан иборат коалиция тузиш лозим. Бироқ, Германия тараққиётига катта ҳисса қўшган Ҳелмут Кол ва христиан-социал иттифоқ етакчиси Тео Вайгел социал-демократлар билан ҳамкорлик қилмаслигини айтди.

Хуллас, энг кекса, юз йилдан кўпроқ тарихга эга бўлган партия ғолиб чиқди. Германия социал-демократлар партиясининг 1959 йилда бўлган қурултойида қабул қилинган дастурда ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти концепциясида унинг бош йўналиши белгилаб қўйилган. Мазкур партия мамлакатда ижтимоий адолатли тартиб ва иқтисодий ривожланиш учун шарт-шароит яратишни ўзининг бош вазифаси деб билади. Шундай экан, четдан қараган одамга тўкис кўринган Германиянинг ҳам ўзига яраша муаммолари кам эмас. Уларни ҳал этиш йўлида мавжуд назарияларни амалиётга қўллаш учун ғолиб партияда бугун имконият пайдо бўлди.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 29 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади**

1 Австралия доллари	61,34	1 Қувайт динори	350,27	10 Япония иенаси	7,79
1 Австрия шиллинги	8,95	100 Ливан фунти	6,98	1 Россия рубли	6,64
1 Англия фунт стерлинги	179,01	1 Малайзия рингити	27,74	1 Украина гривнаси	31,66
10 Бельгия франки	30,53	1 Германия маркаси	62,94	1000 Белорусь рубли	1,99
1 Голландия гульдени	55,82	1 Норвегия кронаси	14,25	1 Латвия лати	180,35
10 Греция драхмаси	3,66	1 Польша злотийси	29,64	1 Литва лити	26,36
1 Дания кронаси	16,56	10 Португалия эскудоси	6,16	1 Молдова лейи	21,31
1 БАА дирхами	28,71	1 Сингапур доллари	62,24	1 Қирғизистон соми	4,88
1 АҚШ доллари	105,43	1 СДР	145,21		
1 Миср фунти	30,96	1000 Туркия лираси	0,38		
1 Ирландия фунти	157,46	1 Финляндия маркаси	20,69		
1 Исландия кронаси	1,53	1 Франция франки	18,77		
10 Испания песети	7,41	1 Швеция кронаси	13,34		
100 Италия лираси	6,37	1 Швейцария франки	76,33		
1 Канада доллари	69,77	1 ЭКЮ	123,75		
1 Хитой юани	12,74	10 Жанубий Корея вони	0,76		

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Шарққа очилган эшик

Куни кеча Шарқшунослик институти қошида шарқ тиллари лицейининг очилиш маросими бўлди. Эндиликда ушбу ўқув даргоҳида ёшлар шарқ мамлакатлари, яъни араб, форс, ҳинд, япон, хитой тиллари қаторида инглиз тилини ҳам мукаммал ўрганишади.

Давлатимиз дунё саҳҳадларига қадам ранжида қилаётган бир пайтда ёшларнинг тил ўрганиши ўта муҳимдир. Тадбирда Япония элчихонаси маънавият бўлими вакили Ашидонинг: Нодир (Наимов) ва Шунқор (Шожалилов) ларнинг япон тилида бизни қутлашини эшитдим. Улар мендан кўра яхшироқ гапиришди япон тилида, деб қолди ўзбекчалаб. Ҳайратландим. Ўзбекистонга келганига икки йил бўлибди, бемалол ўзбекча гапиряпти.

Лицейга танлов асосида қабул қилинган Бобоқулов Жамшид, Мирзаахмедова Раъно каби кўзларида ўт чақнаб турган болалар шарқ халқлари тилларида бийрон-бийрон сўзлашдики, Миср, Хитой, Ҳиндистон каби мамлакатлар элчихона ва маданият марказлари вакиллари беихтиёр чапак чалиб юборди.

Тадбирда лицей директори ўринбосари Собир Ҳожиев раҳбарлигида болалар қасамёд қабул қилишди. Шундан сўнг лицей директори Жалолиддин Нуриддиновга ўқув даргоҳининг расмий калити тантанали равишда топширилди.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Газетамизнинг доимий мухлисимисиз?

— «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталарига ўтган йили обуна бўлганмидингиз?

— Вазирлигингиз тизимида неча киши меҳнат қилади? Келгуси йили ҳам газеталаримиз билан ҳамкорлик қилиш ниятингиз борми?

Хайрулла ЖЎРАЕВ, Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири:

— Нафақат ўтган йили, балки кўп йиллардан бери «Ўзбекистон овози» ҳамда «Голос Узбекистана» газеталарини эътибор билан кузатаман. Мамлакатимизнинг бугунги воқеликлари, энг долзарб мавзулар, муҳим хабарлар билан шу газеталар орқали батафсил танишиш мумкин...

Тизимимизда ўн минглаб кишилар фаолият кўрсатади. Албатта, уларнинг кўпчилиги мазкур газеталар билан ҳамкору маслакдош бўлишларга эришиши керак. Кимки матбуот билан узвий равишда алоқада бўлар экан, у ҳеч вақт ҳаётдан орқада қолмайди. Юртимиздаги кутубхоналарнинг аксарияти бизнинг вазирликка қарайди. Маълумки, ҳозирги кунда ўқувчилар кутубхоналарга нафақат китоб, балки газета-журналлар билан танишиш учун ҳам бориб турадилар. Демак, биз ўз ходимларимизни мамлакатимизнинг етакчи нашрларидан бири — «Ўзбекистон овози»га обуна бўлишга даъват этиш билан бир қаторда кутубхоналарга, айниқса қишлоқ жойлардаги кутубхоналарга кўпроқ етказиш масаласини ўйласак, нур устига аъло нур бўларкан...

«Обуна-99»



Танлашда адашманг!

«Ўзбекистон овози» — кундалик ҳаёт. Жамиятда содир бўлаётган воқеалар даракчиси. Эртангиз пойдевори. Боболар, об-ҳавога қараб иш юрит, деганлар. Газетамиз соҳиби бўлсангиз, маънавий юксалишлар, фаровонлик ва тўкинлик йўлида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлардан хабардор бўлиб борасиз. Рўзғорингиз тамал тошини белгилаб оласиз. Келажаги буюк давлатимизнинг қудрати юрагингизда ғурур, шу миллат фарзанди эканлигингиздан фахр туйғусини уйғотади. Адашманг, барчасига эришиш учун «Ўзбекистон овози» газетасининг доимий мухлиси бўлинг. Мамлакатимиз ва дунё саҳҳадларида кечаётган жараёнлар сизни ҳам қизиқтириши табиий. Агар обуна бўлсангиз, ижтимоий-сиёсий масалада янглишмайсиз. Ҳуқуқ ва кафолатдан бохабар бўласиз. Албатта, доимий мухлиси бўлсангиз. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» ўқувчиси бўлишга шошилинг!

«Ўзбекистон овози»
— энг яқин ҳамроҳингиз!
— энг содиқ ҳамсуҳбатингиз!
— Сизнинг газетангиз!

Нашр индекслари:
«Ўзбекистон овози»
якка обуначилар учун — 220
ташкилотлар учун — 221
«Голос Узбекистана»
якка обуначилар учун — 121
ташкилотлар учун — 122

Лукма

Яна пахта рўкачми?

Шу кунларда Бухоро вилояти пахтакорларини деҳқонларга эскича қараш ўртамоқда. Гап шундаки, собиқ шўро даврига хос шиорбозлигу ялпи сафарбарлик авжига чиқмоқда.

Вилоятнинг барча туманларига элтувчи асосий йўллар миршаблар «пост»ларига айланган ёки ғовлар билан тўсилган. Барча турдаги савдо дўконлари, бозорлар ёпиқ. Бу манзара гўё қамал ҳолатни эслатади. Энг ачинарлиси, йўл чеккаларида турган енгил автомашиналарга ҳам кун йўқ. Чойхоналарда бир пиёла чой ичишга кирган хўрандаларга ҳам ДАН ходимлари томонидан даф-дағалар қилинади.

Тўғри, пахтани териш керак, бу мамлакатимизнинг асосий бойликларидан бири. Аммо, ҳаётни тўхтатиб бўлмайди. Халқни сунъий қийноққа солиш ҳисобига мақсадга эришиш қайси адолат тарозусига тўғри келаркин?

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Миллат табиати турфа хислатларни камалакдек ўзида мужассам этган. Ёвқурлик, яратувчанлик, донолик асли халқимизнинг қонида бор. Қайроқтош қиличнинг дамини ўткирлаштиргани каби асрлар оша яшаб келаётган умрбоқий аллалар, мақом ва «Алпомиш» каби мумтоз асарлар, ғуссага бой, шарафли тарих садолари авлодлар руҳини оловдай тоблайди. Ва муборак қондошлик туйғуси, она-Ватанга бўлган ёлқинли муҳаббат ҳамиша халқнинг бошини бириктириб, якдиллигини таъминлаб келади.

Ўзбекистон — азизлар Ватани. Унинг ҳар бир қарич ери дунёга бир муборак зотни етиштириб берган ва ўзининг тафаккур зиёси билан у инсониятнинг қоронғи кечаларини чақмоқдай ёритиб юборган, шонли фарзандлар тенгсиз жасорати билан миллатнинг мартабасини қўл етмас юксакликка кўтарган.

Олис Ғазнада, Абу Райҳон Беруний хоки пойини ҳамюртлар зиёрат қилиб туришганда ўша ерликлар: «Нима, бу ерда сизнинг қариндошингиз ётибдими?» — деб улардан сўрашган...

Ҳазрат Навоий ёхуд Мирзо Бобур, Абу Наср Форобий ёхуд Аҳмад Яссавий қолдирган излар ҳам биз учун азиздир.

Ўзбекистон тупроғига бош қўйиб ётган Амир Темур ёхуд Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд ёхуд Паҳлавон Маҳмуд... хоки пойини зиёрат қилиш ниятида шу азизлар ётган хилхонага борар бўлсангиз, неча минг киши уларнинг қабри қошида бош эгиб турганлигининг шоҳиди бўласиз, шубҳасиз, уларнинг дилида Аллоҳга илтижо бўлиши мумкин, лекин шу ҳолда бош эгиб туриши ўтган азизларга чексиз бир меҳр ва эҳтиромни ўзида намоён этади. Ва бир четда уларга термулиб туриб, кўнгилда меҳрингиз жўш уради, шоирнинг:

Боболардан сўзладим, аммо
Бир зот борким, баридан суюк:
Буюкларга бахш этган даҳо,
Она халқим, ўзингсан буюк... —
деган байтлари беихтиёр хаёлдан чарх уриб ўтади:
Сен ўзингсан, энг сўнгги нонин
Ўзи емай ўғлига тутган.
Сен ўзингсан, фарзандлар шонин
Асрлардан опичлаб ўтган.
Она халқим, жон-таним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Абдулла Орипов...

Орипов шеърияти қуёш нури янглиғ ҳар бир гўшага, муҳаббат алангасидай ҳар бир кўнгилга сингиб кирган. Бу шеърият руҳи жонимизга бир уйғоқлик бағишлаган ва биз унинг тафаккур қўламларига қараб қаддимизни ростлашга, ўзликни, Ватанни, дунёни идрок этишга ... ҳаракат қилганмиз..

1. Ватан туйғуси

— Абдулла ака, яқинда мен юракни титратиб юборадиган бир ҳолатнинг гувоҳи бўлдим: Ғазалкентда, дарё соҳилида, чўмилиб чиқиб, саратон офтобида тобланиб ўтирган болалардан бири, — у сизнинг набирангиз қатори, — шиддатли дарёнинг зилол сувига, соҳилда келиндай солланган мажнунтолларга, адирга сочилган қишлоққа, қорли тоғларга, ложувард осмонга термулиб турганча бирдан куйлаб юборди:

— Мен нечун севаман Ўзбекистонни?!.

Ички бир ҳавас билан унга термулиб туриб, демак, туйғулар эскирмас, Ватанга муҳаббат юракдан юракка ўтиб, абадий яшар экан-да, деган хаёлга бордим.

«Мен нечун севаман Ўзбекистонни...» сизнинг Ватанга, она халққа меҳрингиз балқиб кўзга ташланган дастлабки асарингиз, унда фарзандлик муҳаббати савқитабиий туйғу сифатида кўзга яққол ташланса-да, шеърнинг яратилишига асос бўлган моҳият алайно-ошкор айтилмаган?..

— Сиз ҳозир айрим бир шеър ҳақида гапирдингиз, бу шеърнинг ёзилганига анча бўлган, балким, ўттиз йилдан ошгандир ва унинг бир кун келиб қўшиққа айланишини, табиийки, мен хаёлимга келтирмаганман. Анор Назаров шеърга ҳамоҳанг куй басталаб, халқ орасига қўйиб юборди. Демоқчиманки, ҳар қандай шеър қўшиқ бўлиши мумкин, фақат бунинг учун бастакор унинг оҳангини илғаб, руҳиятига уйғун куй басталаса, у халқнинг кўнглига йўл топса, бас. Шундай бир мисол келтиришим мумкин, масалан, Ҳамид Олимжоннинг «Ўрик гуллаганда» деган машҳур шеъри бор, биз шуни ўқиб улғайганмиз, лекин у қўшиқ бўлиши мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, орадан эллик йил ўтгач, бастакор Манас Левиев шунга куй басталади ва «Ўрик гуллаганда» деган қўшиқ пайдо бўлди. Мен бу гапларни нима учун айтаяпман, аввало, қўшиқ бўладиган сўзнинг ўзида аллақандай эркалик бўлмоғи лозим, тўпори сўз қўшиққа ҳеч қачон сиғмайди. Қолаверса, чинакам қўшиқ жамоатни оёққа қалқитишга қодир, бастакор бу ҳолни ҳамиша ҳисобга олмоғи шарт...

Шу маънода айрим ёшлар ҳали Ғарб, ҳали Америка қўшиқчисига ўхшаб, беўхшов хонишлар қилаётганини кўриб, ранжийсан киши. Ахир, асрлар давомида сайқал топган миллий санъатимиз бор-ку?! Биз инсон фаолиятининг турли-туман соҳаларида ер юзи халқларидан ибрат олишимиз мумкиндир, аммо шеърият ва мусиқа борасида шундай улуғвор ва нафис меросимиз борки, бу салтанат бизнинг шуҳратимизни абадул-абад таъминлайди. Мана шу борада Шарқнинг қиёси йўқ, мана шу соҳада Шарқ устозлик даъво қилишга тамоман ҳақли...

Ҳали сиз «Мен нечун севаман Ўзбекистонни...» шеърининг ёзилиш тарихини сўраб-суриштирдингиз, албатта, шу ўринда мен маломат қилмоқчи эмасман, аммо айтиш керакки, бу шеър, янглишмасам, ўттиз беш йил илгари ёзилган, ўша даврда Ўзбекистонни пахтаси учун, олтини учунгина ҳурмат қилган, ҳурмат қилмаган бўлсада, шундан фойдаланган қудратли мустамлакачи синфлар бўлган. Уларнинг руҳияти муқаррар кишининг ғашини қўзғар эди, шунда мен, хўп, сен уни бойлиги учун севар экансан, сен фақат шунинг учун севасан, севмасанг-да фойдаланасан, ҳолбуки, ўша пахта ҳам меники, олтин ҳам, аммо мен нима учун севаман Ўзбекистонни?! Агар мангу музликларда яшаган бўлсанг ҳам, халқим, мен бир чукча ё ёқутга ўхшаган бўлганимда ҳам сен учун жонимни берар эдим-ку! — деган мухолиф кайфият ва фикр билан ўз вақтида ёзилган бу. Агар, шу туйғу ҳозирги ёшларимизга ҳамоҳанг экан, улар шу туйғуни қўллаб-қувватлаётган экан, катта гап бу. Фақатгина шоирнинг иши эмас бу, балки Ватан масаласи, Ватан туйғусидир.

2. Юртим, мен ҳам умрим қадар севгайман сени...

— Абдулла ака, дунёда нисбий тушунчалар жуда кўп, мавжуд ҳақиқатлардан бири эса Ватандир.

Муқаддас туйғулар ҳамиша ҳам тилга кўчавермайди, денгиз тубидаги жавоҳирлар янглиғ юракда у муқим яшайди. Эҳтимол, шунинг учундир, сиз мудом Ватан ҳақида гап очилса, камтарлик билан: «Ундан, ортиқ юрагимга яқин нима бор?!» — дейишдан нарига ўтмайсиз, аммо жонимиз туташ жаннатмакон шу юртнинг бутун кўрку таровати, қайноқ қучоқларини, кечмишию афсонавий чиройини дилбар асарларда улуғлаган шоирларнинг сарвари — сиз.

Сен — онам, сен — синглим, ёримсан азал,
Эй, жоним-жаҳоним, Ўзбекистоним...

Инсон боласи учун онадан кўра яқин яна ким бор? Ҳатто ҳадиси шарифда ҳам: «Аввал онангизга, яна онангизга ва яна онангизга... яхшилик қилинг!» — дейилган. Сиз эса Ватанни наинки она, ҳам сингил ва ёр сиймосида муштарак кўрасизки, у ҳар қандай одамнинг жону жаҳонига айланиб кетади.

Ватан! Менинг бор қисматим шу бир сўзда ҳал...

Ватан қисматга айланган-дагина юракдан шундай туйғу силқиб чиқиши мумкин...

Нафас қайтариб ётган жазирама чўлларни, салқин ва сўлим гўшаларни, тоғу дарёларни сиз билан бирга айланиб юриб, шулар хаёлимдан ўтди ва «шу тобда Абдулла аканинг кўнглидан не ўйлар кечаётган экан?» деган фикрга бордим. Чунки бу — сиз туғилган жой, «қарздорман, тупроғингда қолдирдим излар», деб ёзасиз бир шеърингизда ва мана шу ариқда жилдираб оқаётган сув сизнинг болалигингизни оқизиб кетган, бош устингизда бодраб турган юлдузлар кейинчалик сизнинг шеърларингизга кўчган...

Улар хаёлингизда олис хотираларни уйғотса керак, албатта?

— Албатта, Ўзбекистон — менинг ягона Ватаним, лекин ҳар қандай қуш бир жойга учганида унинг ҳам ўз ошёни бўлади. Ҳали сиз айтгандай, болалигим мана шу ерда қолиб кетган, онамнинг, ота-боболаримнинг мозорлари шу жойда, шунинг учун ҳам бу жой кўзимга оловдай иссиқ кўринади. Шу жойдан бир қувончли хабар эшитсам, агар, у яхшилик дараги бўлса, ҳаммадан аввал мен хурсанд бўламан.

Қашқадарё ҳақида гапирадиган бўлсак, ўзига хос бир диёр бу, бошқа ҳеч бир жойга ўхшамайдиган жиҳатлари бор. Ўзбекистоннинг барча манзараси бу юртда мужассам. Осмонўпар тоғлари ҳам бор, жазирама чўллари ҳам, бунда турли иқлим, турли минтақа бор. Йилнинг тўрт фаслини бу ердан топиш мумкин. Ва мана шу чўллар қўйнида соҳибқирон Темур саси илк бора янграган. Унинг набиралари ҳам кўнгли очиқ, бағри кенг, саховатли, ишонувчан одамлар, улар билан биргаликда Ҳиротгача пиёда бориш мумкин. Ишончли ҳамроҳ, биродар ва дўст. Ўзбекистоннинг шундоқ бир вилоятини яхши кунларида ҳам, ташвишли кунларида ҳам ёд этиб тураман. Бу ердаги ижодкорларга жуда кўп тилакларим бор. Дейлик, Шаҳрисабзнинг таъриф-тавсифини ёзиш учун яна бир Ойбек керак бўлади. Тўғрими? Шундоқ. Шундай бўлгач, ёш ижодкорлар белни боғлаб ижод қилишлари лозим...

Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарлари тўйини жаҳон миқёсда нишонлаш, шаҳар қўрғонини асраш, бу ердаги осори атиқаларни эъзозлаш масаласига катта эътибор қаратилаётган экан, буни кўриб, жуда хурсанд бўлдим. Бунинг барчаси, албатта, Президентимиз олиб бораётган катта маънавий-маърифий ишларнинг амалдаги натижалари, деб биламан. Яна бир гапни айтиш керак: биз ифтихор қиладиган Бухорийлар, Термизийлар бор, шунинг билан бирга Насафийлар ҳам бор. Демак, бу ердаги олимлар тарихни изчил ўрганиши лозим, ўша — Насафийлар тарихини ёзсин булар, катта китоб бўлади...

Кўп зоти шарифлар ўтган бу юртдан, уларнинг қабрлари, эҳтимол, йўқдир, эҳтимол, улар кўп олис юртлардан мангулик макон топгандир, эҳтимол, бу ҳам бизнинг феълимиз, қисматимиздир, аммо бебаҳо меросларимиз бор. Ва бу мерос бир неча асрлардан буён ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди. Араблар ва ғайриараблар пешвоси аз-Замахшарийни олинг. Ёхуд улуғ Данте улуғлаган Альфраганус, яъни Аҳмад ал-Фарғонийни олинг...

Бундай сиймолар тарихимизнинг ҳар бир саҳифасида юлдуздай чарақлаб турибди.

(Давоми бор)

Суратлар муаллифи Абдулғани ЖУМА

Миллат ва маънавият

1 2 3 4

Истиқлол ёшартирган шаҳар

Бир сўз билан айтганда, Навоий шаҳрини Қизилқум, Маликчўл сарҳадларидаги афсонавий шаҳар дейиш мумкин. Чунки мазкур шаҳар ҳудудини асосан саҳро ва дашт ерлар ташкил этарди. Бироқ ўтган қирқ йил, бир йигит умрига тенг давр шаҳарни таниб бўлмас даражада ўзгартирди. Бугунги Навоийни шубҳасиз ўзбек адабиётининг султони Мир Алишер Навоий орзу этган гулшанга, жаннатмакон диёрга ўхшатиш мумкин. Айниқса, мустақиллик йиллари навқирон шаҳар учун яшариш ва ёшариш йиллари демакдир. Ўтган етти йилда шаҳримиз марказдан, аниқроғи Москвадан бошқариш балосидан бутунлай қутулди. Россия шаҳарларидаги саноат корхоналари билан занжир мисол боғланиб қолган «Электр кимё», «Машинасозлик», «Цемент» заводлари, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Конметаллургия комбинати» эндиликда мустақил тарзда ўз маҳаллий хомашёси ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Бунинг устига шаҳардаги мавжуд 17 та саноат корхонаси ҳам ҳозир тўлиқ қайта жиҳозланган ва хориж асбоб-ускунаси, экологияси асосида таъминланган. Энг муҳими, бир пайтлар заҳарли ҳамда мудофаа учун кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарган корхоналаримиз эндиликда республика иқтисодиёти учун зарур бўлган энг ноёб хомашёлар ишлаб чиқаряпти. Бунга мисол қилиб биргина Навоий кон металлургия комбинатини кўрсатиш мумкин. Мазкур жаҳон андозаси даражасидаги комбинатда айни пайтда энг нодир металл ва маъданлар қайта ишланади. Мустақиллик кунларида АҚШ, Италия, Буюк Британия, Россия каби мамлакатлар фирма ва компаниялар ҳамкорлигида комбинат иш унумдорлиги қарийб 1,5 ҳиссага оширилди. Экологияга, табиий мулкка зиёни бўлган цехлар халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга йўналтирилди. Худди шундай «Қизилқумцемент» заводида ҳам испанлар билан ҳамкорликда қадоқланган цемент ишлаб чиқариш, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида эса хориж технологияси асосида каустик сода, Навоий дон маҳсулотлари комбинатида исроилликлар мадади билан полиэтилен халтачаларда ғилофланган нон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ва бунга ўхшаш мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Ҳозир Навоийда мустақиллик йиллар боис ўндан зиёд дунё талаблари даражасидаги қўшма корхоналар фаолият кўрсатяпти. Бу қўшма корхоналарда юздан зиёд турдаги харидоргир моллар ишлаб чиқарилмоқда. Натижада, шаҳар иқтисодиёти ўнгланиб, сармоя ва валюта тушуми муттасил ортмоқда.

Иқтисодий ривожланиш ўз навбатида шаҳар қиёфасини ўзгартиришга, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини яхшилашга хизмат қилмоқда. Шаҳарда эндиликда уларнинг сони 120 мингдан ошиб кетди.

Байналмилал шаҳарда ҳозир 82 миллат ва элат вакиллари яшаб, меҳнат қилмоқда. Шаҳар умумий аҳолисининг асосий кўпчилигини саноатчилар, кончилар, кимёгарлар, цементчилар ва нурчилар ташкил этади. Кўп миллатлилик сабаб шаҳар йил сайин кенгайиб, ўз қиёфасини ўзгартирмоқда. Айни пайтда, Навоийда 17 та у ёки бу кўринишдаги кичик микротуман ва юзга яқин маҳаллалар бўлиб, уларда ҳамма шарт-шароитлар мавжуд. Мустақиллигимизнинг ўтган йилларида кичик туманлар сони 5 тага кўпайди. Янги-янги турар жой бинолари, маданий-маиший муассасалар, 2 та марказлаштирилган йирик бозор фойдаланишга топширилди. Айниқса, истиқлолнинг етти йиллиги ва шаҳар ташкил топганлигининг 40 йиллиги арафасидаги ишларимиз таҳсинга лойиқдир. «40 йилликка қирқта объект» шиори остида меҳнат қилган навоийликлар байрам кунларида муносиб ютуқларга эришдилар. Мустақилликка ҳамоҳанг бўлган юбилей тантаналари кунларида марказий банк биноси, вилоят газлаштириш идораси, янги савдо маркази, шаҳар поликлиникаси, 7 та кўп қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди. 250 нафар кимёгар ва нурчилар, машинасозлар уй тўйларини ўтказишди. Юбилей кунлари шаҳар чинакам байрам шукуҳига эга бўлди. Шаҳримиз аҳолиси юзлаб чет эллик меҳмонларни, ишбилармонларни кутиб олди.

Ҳа, бугунги Навоийни, юқорида қайд этганимиздек, истиқлол яшартирган шаҳар, дейиш мумкин. Истиқлолимиз омон бўлса, шаҳар истиқболи, келажаги янада гуллаб-яшнайверади. Чунки, бу ерда бир сўзли, мард кишилар яшашади. Шаҳарнинг 40 йиллик тўйини муносиб нишонлаб, шаҳар ишлаб чиқаришни жаҳонга кенг танитган навоийликлар бундан кейин ҳам бўш келишмайди. Бу ҳали катта ишларнинг бошланиши, холос.

Бахтиёр ҲАМДАМОВ,
Навоий шаҳар ҳокими,
Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати

Хатлар, хатлар, хатлар

Тасанно!

Меҳнат таътилида эдим, шу йил июль ойида жонажон юртим Самарқанд вилоятининг Пайшанба қўрғонида дам олишда бўлдик. У ердаги ободончилик ишлари ва қурилишларни кўриб баҳоят севиндим.

Шу даврда рафиқам Зулайҳо Турдиеванинг ҳафақон хасталиги хуруж қилиб қолди. Каттақўрғон туман марказий шифохонасига тиббий ёрдам кўрсатишни сўраб мурожаат қилдик. Навбатчи шифокорлар керакли муолажаларни тезда амалга оширишди, зарур дори-дармондан рафиқам тезда шифо топди.

Бизга яхши ва тезкор тиббий ёрдам кўрсатган навбатчи шифокор Васлиддин Усмонов, ҳамшира Ҳолбуви Ғаффорова ва кичик тиббиёт ходими Жамила Жабборовларга чин дилдан ташаккур изҳор қиламиз.

Яна бир гап: шифохонадаги йўлга қўйилган намунали ишларда туман марказий шифохонаси бош шифокори ҳамда Пайшанба қўрғонидаги катта ободончилик ишларида бош ҳам бўлган ушбу қўрғон оқсоқоллар кенгашининг раиси Қамариддин Аҳмедовнинг хизматлари каттадир.

Ўз ишига фидойи бу инсонларга миннатдорчилигимиз чексиздир.

Рўзимурод ТУРДИЕВ,
тиббиёт фанлари номзоди.

Дўкон неларга кон?

Аслида, дўконларимиз қанчалик тўлиб-тошса шунчалик яхши. Тўкинчиликнинг битта белгиси — дўконлар турли маҳсулотларга кон бўлмоғи зарур-да! Таассуфки, буни айричароқ тушунадиган савдо ходимлари ҳам учраб турибди. Улар давлат дўконини ҳе йўқ-бе йўқ тижорат дўконига айлантириб олишаётир. Савдо расталарида мол камая бошлагани ҳамоно «хусусий савдо»га тегишли молларни қаторлаштириб қўядилар. Солиқчи келса, ана «давлатники» дейдилар, харидорга эса: «ўзимнинг молим, қанақа баҳода сотишни ўзим ҳал этаман» дея дудмалгина жавоб берадилар. Устаси фаранглар, аҳоли учун белгилаб қўйилган етти хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилишда ҳам шунақа кўзбўямачилик қилишаётгани кундай равшан. Хўш, дориломон замонда дўконларимиз қанақа молларга кон бўлмоғи лозим?

К. МАМАТОВ
Наманган вилояти.

НОМУС — зоҳирий виждон

Қизлар никоҳ ёшида эмасди

Халқимизда азал-азалдан қизлар поклик, аёллар эса ҳаё рамзи сифатида эъзозланиб, қадрланиб келинган. Асрлардан-асрларга, йиллардан-йилларга ўтиб, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган беҳисоб афсонаю ривоятлардан тортиб ёзма манбаларгача шундан далолат беради. Мана, улардан бири: Қадим замонларда эрки учун курашиб ўлимга маҳкум этилганлар орасида бир аёл ҳам бўлган экан. Дор остига олиб келишаётганида занжирбанд аёл ип ва игна беришларини илтимос қилибди:

— Эй, ақли ожиз, нима қиласан ипу игнани? - сўрабди жаллод.

— Кўйлагимнинг чоки сўкилибди, шуни тикиб олай, - дебди аёл.

— Ахир, сен ҳозир ўласанку? - дебди жаллод.

— Мен аёлман, ўлимга кетаётган бўлсам ҳам, номусим ҳаққи, халойиқ олдига аёлдай чиқишим керак!

Ҳа, номус — зоҳирий виждон, виждон эса ботиний номус!

* * *

Самарқандлик Муҳаббат Пирматова 1982 йил 4 июнда туғилган. Эндигина ўн олти ёшга тўлди. У ўтган йилнинг 1 декабрида Сергей Абраменков билан бир тўшакка ётганидан бери ноқонуний эр-хотин бўлиб яшаб келарди.

О. Гревцова 1981 йил 29 ноябрда туғилган. Оксана Сергей Бочкарев деган йигитнинг «ўлдим-куйдим»ларига ишониб 1996 йилнинг 6 мартидан буён Самарқанд шаҳридаги кўп қаватли уй хонадонларининг бирида ўз хоҳиши билан никоҳсиз яшай бошлаган.

Оксана Ананьева 1981 йил 7 январда туғилган. У Акрамали Яхшибоев билан танишиб, ўзини «севги қучоғи»га отди.

Муҳаббат, аниқроғи, балоғат ёшига етмаган малла соч, мовий кўз қиз. 1996 йилнинг кузида иффати ва номусидан ажралди. Севги-муҳаббатни девор қилиб, пана-пастқамда айшу-ишратга берилди. Натижада, 1997 йилнинг 4 сентябрида никоҳсиз болали бўлди.

Феруза эса Жасур билан 14 ёшида... Оқибатда на ўқиди на бирон фойдали меҳнат билан шуғулланди.

Бундай қизларни, уларнинг ота-онаси, маҳалла аҳли ва фаоллари лоқайдлигини ўйлаганда юқоридаги ривоят яна бир бор эсга тушади. Орадаги фарқ бутун жамиятни ютиб юборадигандай — даҳшат!

Тўғри, никоҳсиз балоғат ёшига етмаган қизлар билан эр-хотин бўлиб яшаган йигитлар қонун олдида тегишли жазо олишди. Аммо, бу ҳаммаси жойига тушди, дегани эмасда, ахир.

Ҳуқуқий мулоҳаза

Ҳозирги экологик қийинчиликлар даврида 20 ёшга етмаган оналардан туғилган болаларнинг носоғлом, нимжон бўлиб қолаётганини олимларимиз қайта-қайта таъкидлашмоқда. Чунки бу ёшга етмаган аёл туғишга тайёр эмас. Бунинг устига маънавий жиҳатдан ҳам оила қуриш, уни бошқариш, хотинлик ва оналик қилишни тўла тасаввур этолмайди. Ҳали ҳаётга, турмушга тийран назар ташлаб улгурмаган бўлади.

«Покнинг уяти яхши», деган нақл бор. Қадимги турк ҳоконлиги даврида қонун аёлларни қаттиқ ҳимоя қилган. Республика Олий Мажлисининг XI сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси 15-моддасида никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз, аёллар учун ўн етти ёш қилиб қатъий чегаралангани ҳам шунинг ўзи.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 128-моддасида ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилишнинг жиноят эканлиги қайд этилган. Зеро, Қуръони каримнинг «Нур» сураси 26-оятида: «Нопок аёллар нопок эрлар учундир (яъни лойиқдир). Нопок эрлар нопок аёллар учундир. Покиза аёллар покиза эрлар учундир, покиза эрлар покиза аёллар учундир», дейилган. Демак, оиланинг файзу таровати, тозалиги ҳар икки қалбнинг номуси, ҳаёси билан гўзал. Номусли аёл пок хонадон соҳибаси, эрнинг ҳузур-ҳаловати, фарзандлар бахти, қувончи. Фақат солиҳа аёлгина уйни жаннат, эрини ҳақиқий эркак қила олади.

Юқорида номлари қайд этилган йигит-қизларимизнинг қилмишлари, яшаш тарзлари зинокорликдан бошқа нарса эмас. Қуръони каримда ҳаёсизлик, айниқса, зинокорлик қаттиқ таъқиқланади: «Зинога яқинлашманглар! Чунки бу бузуқликдир — энг ёмон йўлдир» («Ал-Исро» сураси, 32-оят).

Зино одамзотга, унинг наслига чексиз кулфатлар ёғдирувчи разолат бўлганлиги учун ҳам қаттиқ лаънатланади. Бугун эса бошидан охиригача шарм-ҳаёсизлик акс этган, босқинчилик, уруш-жанжал тарғибот-ташвиқот қилинган видеофильмлар чет эл телевидениеси орқали хонадонларимизга эртаю кеч тинимсиз кириб келмоқда. Халқимиз маънавиятига зид бўлган, фарзандларимиз тарбиясига кўпол таъсир қилаётган бу «асар»ларни тўхтатадиган биронта азамат топилмаётганлиги эса ачинарли.

Жамият, инсонлар қалби жирканч разолатлардан тозаланмас экан, тарбия борасида олиб борилаётган барча ҳаракатларимиз бесамар кетаверади. Айрим ҳаёсизлик, номуссизлик касрига эса оила, қолаверса жамиятимиз нишон бўлаверади. Ўз айшу-ишратларини ўйлаб гулдай аёлидан хабар олмаётган эркаклар, вафодор ёрларини алдаб, бойлик орттириш ва устунликка эришиш мақсадида бегона тўшакларда эрмак бўлаётган «санамлар»чи?..

Ҳаётда ҳеч нарса, ҳеч қачон изсиз кетмайди. Инсоннинг турмуш тарзи, яшаши, ахлоқ-одоби, поклиги, номуси унинг зийнати, комиллик мезони бўлган. Буни ёшликдан ўғил-қизларимиз қалбига нурдай сингиришимиз лозим. Шундагина улар гулдай покиза бўлиб улғаядилар.

Олимжон ЮНУСОВ,
Самарқанд шаҳар, Боғишамол тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси
Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎзТВ мухбири Си-Эн-Эндан хабар қилади

Бугунга келиб телекоммуникация сўзининг қамрови яна-да кенгайди. Тўғрироғи, бу калима тилга олинганда мазмун-моҳиятига кўра аввал ҳам кенг миқёсли тушунчаларни англатар эди ва эндиликда бизнинг мустақил турмуш тарзимиз телекоммуникациянинг янги маъно қатламларини кўз ўнгимизда, онгу фикримизда тажассум этди. Узоққа бормайлик, «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклаш бўйича Боку шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжумандан кўзланган энг муҳим мақсад ҳам дунёнинг 34 дан ошиқ давлатларида ҳар ёқлама коммуникация алоқаларини йўлга қўйишдан иборат бўлди. Бу каби коммуникация алоқаларини мустаҳкам ўрнатиш борасидаги шартномаларнинг амалий натижаси эса борган сари бизнинг ҳаётимизда ўз самарасини кўрсатмоқда.

Одил Рўзалиевда Американинг Си-Эн-Эн (CNN) телекомпанияси ахборот кўрсатувларида Ўзбекистон ҳақида турли хабар ва лавҳалар бериб бориш истаги Тошкент Давлат Жаҳон тиллари университетида ўқиб юрган давридаёқ пайдо бўлган эди. Шу сабабли у Ўзбекистон телевидениесига ўз таклифи, яъни миллий телевидениемизда инглизча янгиликлар дастурини тайёрлаш ғояси билан кириб келди. Ва шундан сўнг Ўзбекистон телевидениеси дастуридан Эф-Си-Эн (FCN) — Биринчи Канал Янгиликлари жой олди. Ҳафталик энг

Ўзбекистон ва жаҳон

муҳим хабарларнинг инглиз тилида қисқа ва лўнда ифодаси бўлган бу дастур ўшандан бери кўпчиликнинг эътиборини қозонди, маълум маънода хорижлик ишбилармонлару меҳмонларга ҳам ёрдам берди.

Бугун эса «Эф-Си-Эн» (FCN) — Биринчи Канал Янгиликларининг ёрлиғи Америка Қўшма Штатларининг «Си-Эн-Эн» телекомпанияси ахборот кўрсатувларида пайдо бўлди. Маълумки, дунёдаги энг йирик ахборот маҳкамаларидан бўлган «Си-Эн-Эн» телекомпанияси 210 дан ортиқ мамлакатда истиқомат қилувчи 184 миллион оилага ҳар кеча кундуз 24 соат мобайнида ахборот тарқатади. «Си-Эн-Эн»нинг бош қароргоҳи Америка Қўшма Штатларининг Жоржиа штатидаги Атланта шаҳрида жойлашган. Бундан 19 йил аввал америкалик телепродюссер Тед Тернер томонидан ташкил қилинган «Си-Эн-Эн» телекомпанияси ўз томошабинларига глобал миқёсда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар ҳақидаги энг сўнгги янгиликларни 15 та сунъий йўлдош орқали — 4 та (Си-Эн-Эн интернешнл Европа, Си-Эн-Эн интернешнл Осиё, Си-Эн-Эн интернешнл Лотин Америкаси ва Си-Эн-Эн интернешнл Америка) дастурида етказиб беради. Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Эф-Си-Эн» — Биринчи Канал Янгиликлари бошловчиси Одил Рўзалиевнинг мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсати, умуман юртимиз одамлари ҳақидаги турли-туман лавҳалари эса ўз овозида, инглиз тилида мана шундай улкан аудиторияга эга телеканал CNN WORLD REPORT («Си-Эн-Эн Уорлд Репорт» - Си-Эн-Эн Жаҳон Хабари) орқали жаҳонга тарқалмоқда. Бу эса изланувчан ва истеъдодли ўзбек журналистининг дунёга танилиши, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг жаҳонга юз тутаётгани, хорижий телеканаллар билан ҳамкорликка йўл очилаётганидан дарак беради. Бу эса мустақил Ватанимизнинг жаҳон оммавий ахборот воситалари дастуридан ўрин олаётганининг далолати, бизни дунё таниётганининг кичик бир ифодасидир.

Алишер ШОЙИМОВ

ДУНЁ ДАРЧАСИ

Хабарлар рад этилди

АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт ўзининг истеъфога чиқиши ҳақида тарқатилган хабарларни мутлақ рад этди. БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессиясида иштирок этаётган М. Олбрайт матбуот анжуманида журналистлар саволларига жавоб қайтарар экан, Давлат котиби сифатида ишлаш ўзига ёқишини ва бу лавозимдан кетиш нияти йўқлигини айтди.

Ўтган сешанба куни «Нью-Йорк пост» газетаси М. Олбрайтнинг истеъфога чиқиш истагини билдиргани, лекин унинг аризаси қабул қилинмагани ҳақида хабар эълон қилган эди. Газетанинг ёзишича, «Давлат котиби билан Оқ Уй вакиллари ўртасида сиёсат юритиш ва қадр танлаш масалалари бўйича юзага келган келишилмовчилик» шунга сабаб бўлган.

Қабилалар келишолмаяпти

Сўнгги бир неча кун ичида қабилалараро можаролар натижасида Нигериянинг Ондо штатида 23 киши ҳалок бўлди. Мамлакатдаги Ижо ва Илаже қабилалари катта нефть заҳиралари бор, деб тахмин қилинаётган ерлар борасида ўзаро келишувга эриша олмаётгани мана шу можарога сабаб бўлмоқда.

Нигерия ҳукумати вакиллари муаммони тинч йўл билан ҳал қилиш учун қабила етакчилари билан музокаралар ўтказмоқда.

Бошсиз тана, миясиз бош...

Маълумки, баъзи тирик организмлар боши олинганидан сўнг ҳам анчагина вақт яшайди. Товада сакраётган балиқни эслайлик. Боши олинган товуқ яна бир мисол. Бошидан жудо бўлган товуқ анча вақтгача ҳовлида югуриб, сўнг йиқилиб тушганини деярли ҳамма кўрган. Сирли бу ҳолни биз оддий тарзда қабул қиламиз. Шу ҳолда тана қандай қилиб мувозанатда бўлади? Мушакларда қисқартириш учун буйруқ қаердан келади?

Ҳозирги замон фани, кучсиз жонзотларнинг бошқарув марказидан ажралса-да, бир қанча муддатгача ҳаракат қилишини тан олса-да, аммо инсон билан бундай ҳол юз бериши мумкинлигини рад этади. Бироқ, тарихий қўлёзма ва тиббиёт архивларида ана шундай воқеалар қайд этилган, аммо ҳанузгача уларга ечим йўқ. Мана, улардан баъзилари:

1336 йили Людовик Баварский дворьянин Дип фон Шаунбург ва унинг тўрт нафар ҳаммаслакларини ўлим жазосига маҳкум этади. Қиролга қарши бош кўтарган қўзғолончиларнинг бошларини таналаридан жудо этиш керак эди. Қатл олдидан фон Шаунбург ғалати бир истагини баён этди — боши олиб ташлангандан сўнг ҳам у дўстлари олдидан югуриб ўтса, қирол уларнинг айбларини кечиши керак эди. Монарх бу истакни эшитиб кулди ва бу истаги бажарилишини ваъда қилди.

Ҳукм қилинган маҳбусларни бир-бирларидан саккиз қадам ораликда бир қаторга қўйишди. Жаллоднинг ўткир қиличи зарбидан Шаунбургнинг боши ерга санчиб тушди, танаси эса... сакраб туриб маҳбусларнинг олдидан югуриб ўтди. Охирги маҳбус олдидан ўтгач, яъни 32 қадам босиб ўтган Дипнинг бошсиз танаси тўхтади ва йиқилди.

Бу ҳолни кўриб турган монарх ҳайратга тушди, қолган маҳбусларни авф этди.

Бу воқеани кузатиб турган кишилар яратганнинг иродаси ила бу ҳол рўй берганлиги ҳақида пичирлашиб қолдилар.

Ишониш қийин бўлган воқеалардан яна баъзи мисоллар:

1935 йили Нью-Йоркдаги муқаддас Винсент госпиталида умуман мияси йўқ бола дунёга келди. Тиб-

Сир-синоатли дунё

биёт қонунларига қарама-қарши, бу мавжудот бошқа чақалоқлар сингари овқатланар, йиғларди. Бола вафотидан сўнг, уни ёриб кўргачгина, мияси йўқлиги аниқланди.

1940 йилда Боливилдаги доктор Николай Ортлезнинг клиникасига 14 ёшли ўғил болани «мия шиши» ташхиси билан келтиришди. Бемор ўлимига қадар ўз ҳушида эди ва фикрлаши сўнмаганди, фақат ахёнахёндагина кучли бош оғриғидан шикоят қиларди. Бола вафот этгач, врачлар унинг бошини ёриб кўриб ғалати ҳолнинг гувоҳи бўлишди — боланинг мияси йўқ эди, мия ўрнида улкан бўшлиқ бор эди.

Мия бўйича таниқли немис мутахассис профессор Хуфланд ўз кундаликларида ишониш қийин бўлган воқеани ёзиб қолдирган. Унинг олдига фалаж бўлиб қолган беморни келтиришади. Ўлимигача бемор ақлий қобилиятини тўлиқ сақлаб қолганди. Ўлимидан сўнг ёриб кўришгач, врачлар ҳайрон қолишди. Беморнинг умуман мияси йўқ эди, мия ўрнида қандайдир суюқлик мавжуд эди...

Бундан бир неча йил олдин ғарб газеталарида Розалия исмли итальян қизчанинг танаси ҳақида аниқ шов-шувга сабаб бўлган хабар босилганди. Бу қизча 1918 йили икки ёшида вафот этганди. Ота-онасининг илтимосига биноан қизчанинг мурдасига танани сақлаб турадиган дори юборишди, сўнг шиша тобутгача жойлаб, Палермодаги (Сицилия) черковларидан бирига қўйишди. Бир неча йил олдин черков хизматчиларидан бири қизча кўзини очиб юмганини кўриб қолганини айтди. Баъзи бировлар унинг сўзларини масхаралаб қарши олди: «Миясининг томи кетиб қолибди! Камроқ ичиш керак». Диндор кишилар эса бу воқеа устида шов-шув кўтаришди. Палермога компьютер қўлланмалари билан қуролланган олимлар етиб келди. Бироздан сўнг аппаратлар миянинг 12 ва 33 секунд оралиғидаги фаоллигини аниқлади. Шунча вақт ўтган бўлишига қарамай, тананинг ҳаёт аломатларини намоён этиши ечилмай қоларди. Дарвоқе, бу ҳодисани яқинда америкалик олимлар кашф этган «учинчи мия» тушунчаси билан боғласа бўлади. Бош ва орқадан ташқари, ошқозонда ҳам нерв толалари борлигини аниқлашди.

Нью-Йоркдаги тадқиқот маркази профессори Майл Гершоннинг журналистларга берган хабарига кўра, «ичак мия»да 100 миллион, балки ундан ҳам ортиқ нейронлар мавжуд. У ҳақиқатдан ҳам мия бўлиб, ахборотни эслаб қолиш, бизнинг ҳиссиётларимиз ва кайфиятимизга таъсир этиш кучига эга.

Америка олимларининг айтишича, айни шу «ичак мия» хавфли вазиятларда организмда курашиш ёки қочиш буйруғини беради. Шундай экан, тана бошдан айрилган вақтда шу «ичак мия» қандайдир қисқа муддат танани бошқаради.

Тўғрисини айтганда, булар бир тахмин, холос.



Лондон. Тауэр кўприги.

Бино қаттиқ қўриқланади

Германия полицияси АҚШнинг Гамбург шаҳридаги консуллиги биносини қўриқлаш тартибини кучайтирди. Бунга консулликка қарши уюштирилиши мумкин бўлган тажовуз хавфи мажбур қилди.

Хабарларга қараганда, Баварияда халқаро террорчиликнинг йирик ҳомийси ҳисобланган ва айни пайтда Афғонистонда қўним топган Усама ибн Ладеннинг сафдошларидан бири қўлга олингач, полиция маҳкамасига АҚШ консуллиги биносида портлаш уюштирилади, деган маълумот келган.

Мухолифат айбланмоқда

Комбоджа полицияси бошлиғи Хок Лунди сиёсий мухолифатни иккинчи бош вазир Хун Сенга қарши суиқасд қилишга уринганликда айблади.

Хун Сенга мухолиф бўлганлар сиёсий ҳокимият учун курашда гранаталар билан жангга шай турибди, деди полиция бошлиғи миллий телевидение орқали баёнот берар экан. Унинг айтишича, Хун Сен автомашинада ўтиши керак бўлган йўлни авария ҳолатига келтириш учун олис масофадан бошқариладиган «В-40» гранатаси ташланган. Натижада йўл яқинида жойлашган уйга шикаст етиб, уч киши жароҳатланган ва бир ўсмир ҳалок бўлган.

Мазкур жиноятга алоқадор ҳисобланган 8 киши қамоққа олинди.

Долларнинг ўтмиши ва бугуни

Нега АҚШ қоғоз пули доллар номи билан юритилади. Ахир инглиз тилида бу сўз йўқку. Маълумки, аввалари Англия империяси ихтиёрида бўлган бу мамлакатда пул муомаласи фунт стерлингларда олиб борилган. Мустақиллик учун кураш даврида АҚШ мустамлакага дахлдор ҳамма нарсадан, шу жумладан фунт стерлингдан ҳам қутулиш учун астойдил ҳаракат қилдилар. 1792 йилда АҚШ Конгресси миллий пул бирлигини эълон қилди. Бу пул соф оғирлиги 24056 граммга тенг қумуш тангадан иборат эди. Мазкур, танга қиймат жиҳатидан Испания қироли Филлип III ҳукмронлиги даврида Шимолий-Америка ҳудудида муомалада бўлган испан долларига тенглаштирилган эди. Тўғри, танга испанчасига талер деб юритилган. Инглизлар ана шу талерни «доллар» деб талаффуз этганлар. Хўш, «талер»нинг ўзи қаёқдан пайдо бўлган? Бу сўз келиб чиқиши жиҳатидан немисчадир, дейишади. Бироқ чех тарихчилари ва тилшуносларининг исботича «талер» сўзи аслида чех тилига мансуб бўлиб, у кейинчалик немис тилига ўтган. Ўрта асрларда Прага шаҳридан тахминан 70 км нарида катта қумуш кони топилган. Ҳамда бу ерда Кутна-Гора номли шаҳар бунёд бўлган. Кутна-Гора Марказий Европадаги энг гўзал шаҳарлардан бири ҳисобланган. Шаҳарча музейларида алюминдан тайёрланган қадимий тангалар ҳам сақланмоқда. Талер номли бу тангалар 16 асрда бутун Европада муомалада бўлган, савдогарлар уларни бажонидил қабул қилганлар, чунки Кутногор қумушининг сифати ҳам юқори бўлган. Талерлар Чехиянинг яқин қўшниси Германияда ҳам кенг тарқалган. Шу боис уни кўп мамлакатларда немис пули деб ҳисоблашган. Немислар «талар»ни «талер» тарзида талаффуз этишган. Шу-шу «талер» сўзи кўп тилларда мустаҳкам ўрнашиб қолган, кейинроқ у океан ортига кўчиб ўтган. Шу боис чехлар АҚШ ўз валютасининг номи учун биздан миннатдор бўлмоғи лозим, деб айтишади. Бу ростга ўхшайди.

Яна бир жумбоқ, долларлардаги «$» белгисига тегишлидир. Ахир «S» ўрнига белги, рамз сифатида «доллар» сўзидаги лотинча «Д» ҳарфини танлаш мумкин эмас эдими? Танга пулларни ўрганувчи тарихчилар — нумизматларнинг изоҳлашларича, бундай чалкашлик учун яна ўша испан талери айбдор экан. Гап шундаки, курси бўйича бир долларга тенглаштирилган испан талерида 8 рақами тасвирланган бўлиб, бу рақам ҳар бир талер 8 реал майда пул бирлигига тенгдир, деган маънони англатган. АҚШдаги бухгалтерлар испан тангаларини ҳисоблаш пайтида чалкашиб кетмаслик учун 8 рақами устига бўр билан юқоридан пастга томон чизиқ тортиб қўйишар экан. Кейинроқ устига чизиқ тортилган мана шу 8 рақами АҚШ пулларида рамз бўлиб ўтган. Рассомлар чиройлироқ чиқиши учун 8 (саккиз)га бошқача шакл берганлар, яъни саккиз ўртасига икки чизиқ тортилган лотинча S ҳарфи шаклида тасвирланган. Лекин бу ерда ҳам битта ноўйғунлик мавжуд. Саккиз устидаги икки чизиқ қаердан пайдо бўлган? Бухгалтерлар иккита эмас, балки битта чизиқ тортишган эди-ку? АҚШ матбуоти ёзишича, пул рамзи United States сўзларининг шартли қисқартмасидан иборатдир. Бунда S аломати тўлиқ сақланган. U нинг эса икки ён томонигина олинган. Мантиқ жиҳатдан бундай изоҳни тўғри дейиш мумкин. Аммо S белгисининг испан талеридан пайдо бўлганлиги ҳақидаги нақл анча жозибалидир. Танга ва қупюраларнинг ташқи кўринишидаги ўзгарган бўлса-да, аммо доллар белгиси аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам шундайлигича қолиб келмоқда.

«Кўк»лар қиёфасини ўзгартирмоқда

Яқин-яқингача АҚШда ва дунёнинг бошқа мамлакатларида 1929 йилда чиқарилган доллар банкнотларидан фойдаланиб келинди. 1996 йилдан мазкур банкнотлар алмаштирила бошланди. 100 долларлик янги банкнотлар 1996 йилнинг март ойида, 50 долларлик янги банкнотлар эса 1997 йилнинг октябрь ойида муомалага киритилди. Шу йил 20 майда Конгрессга молия вазири Роберт Рубин ва АҚШ Федерал заҳира тизими коллегияси Адан Гринсэн 20 долларлик янги банкнот дизайнини тақдим этдилар. Янги банкнотлар ичидаги 20 долларлик американликлар ҳар куни ишлатадиган валютадир. 20 долларлик янги банкнотлар шу йил кузда муомалага киритилади. Бунда ҳам бошқа янги банкнотларда бўлганидек ўзгартирилган ҳимоя воситалари қўлланилади. Фақат кам учрайдиган 1 ва 2 минг долларлик қупюралар эски ҳолида қолади. 1 минг долларлик банкнот умуман муомалага чиқарилган эмас. У банк тизимидаги операциялардагина қўлланилади. АҚШда 5 долларлик қоғоз пул нима учундир ҳосиятсиз деб ҳисобланади. Гўё у одамларга бахтсизлик келтирар эмиш. 1 долларлик пул эса, аксинча, омад иньом этар экан. Шу боис кўпчилик амеркаликлар бир долларлик қоғоз пулни шимларининг орқа чўнтагида доим олиб юришади. АҚШ доллари дунёда энг кўп тарқалган ва... энг кўп қалбакилаштириладиган валютадир. Мутахассисларнинг фикрича, долларнинг ташқи кўринишини ва уларнинг ҳимоя воситаларини тахминан ҳар 20 йилда янгилаб туриш лозим. Лекин бу солиқ тўловчилар учун жуда қимматга тушади. Кейинги 5-6 йил ичида дунёда моҳирона тайёрланган 100 долларлик қалбаки пулларга тўлиб кетди. Уларнинг умумий миқдори 10 миллиарддан ошиқдир. Ҳатто, Россияда 100 долларлик янги банкнотлар АҚШда ҳали унинг янгиси яратилмасданоқ пайдо бўлган эди. Қалбаки долларнинг кўпайиши АҚШ Марказий Разведка Бошқармасини бунга қарши жиддий чоралар кўришга мажбур этди. МРБнинг қалбаки пуллар тўғрисидаги ахборотномаси Клинтон маъмуриятини купюраларни ўзгартиришни ўз зиммасига олишга ундади. Валютани алмаштириш бошланган бўлса-да, аммо баҳс ҳамон давом этмоқда. Долларни алмаштириш жараёни Қўшма Штатларда ҳеч қандай ортиқча ғалағовурни келтириб чиқармади. Келгуси асрнинг бошигача «янги» пуллар ҳам «эски» пуллар ҳам баб-баравар муомалада бўлади. Бунинг устига, мамлакатдаги ҳамма банкларга турли даврларда чиқарилган барча долларларни номинал бўйича қабул қилиш ҳуқуқи берилган. Ҳатто «юза»сининг 40 фоизи яроқсиз ҳолда бўлган банкнотлар ҳам қабул қилинади. Юқорида қайд этганимиздек, ўтган йилнинг кузида 20 долларлик банкнотларни алмаштиришга киришилди. Фақат ҳозирча 1 долларлик купюра масаласи ноаниқроқ бўлиб турибди. Омилкор американликларнинг ҳисобига кўра, бир долларлик танга пулга ўтиш туфайли мамлакат хазинаси яқин 30 йил ичида 15 миллиард доллар маблағни тежаш имконига эришар экан. Бир долларлик қоғоз пулларнинг умри қисқа бўлиб, уларни сифатли чиқариш қимматга тушар экан. Масалан, канадаликлар бир неча йил муқаддам бундай банкнотлардан воз кечишган. Эскирган тангаларни қайта эритиш мумкин. Ҳар хил буюмлар билан савдо қиладиган автоматларни металдан тайёрланган долларга мослаштириш унча қийин эмас. Бундай ташаббусни айниқса, кўзи ожиз одамлар қўллаб-қувватлашмоқда. Лекин бунга қарши бўлганлар ҳам йўқ эмас. Масалан, банкнот ишлаб чиқарувчилар қоғозни металлга алмаштиришни истамаяптилар. Янги долларни Жон Кеннеди, Билл Клинтон ва ҳатто Элвис Пресли сурати билан чиқариш тўғрисидаги таклифлар ҳам мавжуд.

Хориж матбуоти асосида Нилуфар КАРИМОВА тайёрлади

Ўз қўлидан айрилди, бироқ...

Францияда жаҳон тиббиёти тарихида мисли кўрилмаган воқеа юз берди. Бир гуруҳ мутахассислар электр арра билан эҳтиётсиз муносабатда бўлган ва натижада бир қўлини йўқотган Клинт Хэллэмга бошқа инсоннинг қўлини қўйди. 13 соат давом этган жарроҳлик операциясидан сўнг бироз вақт ўттач, бемор янги қўлидаги бармоқларини қимирлатиш ва тўла бўлмаса-да мушт тугишга муяссар бўлди.

Ажабланарли томони шундаки, илгари шифокорлар К. Хэллэмнинг ўз қўлини улашга уринниб кўрган, лекин бу ижобий натижа бермаган эди. Шу боис, айни вақтда муваффақият ҳар кимнинг кўз ўнгтида турган эса-да, мутахассислар ҳали хулоса чиқаришга эрта эканини айтмоқда. Чунки, бемор танасининг бегона терини қандай қаршилаши, унга кўникиш-кўникмаслиги ҳали маълум эмас. Шундай бўлса-да, шифокорлар ҳаммаси яхши бўлиб кетишига умид билдирмоқда. Агар К. Хэллэм янги қўлидан шикоят қилмаса, у ҳолда урушларда, турли фалокатларда оёқ-қўлидан айрилган минглаб одамларнинг аҳволини яхшилаш имкони пайдо бўлади.

(Саҳифа материаллари ЎзА ва хорижий манбалар асосида тайёрланди)

«Менинг бошимни кесиб олинглар»

Астрофизик Стивен Хоунинг «Замоннинг қисқача тарихи», деб номланган жаҳон илмий бестселлер муаллифи ўсмирлик чоғидаёқ фалаж бўлган эди. Бироқ у олий маълумот олишга эришди ва Исаак Ньютон ўқитувчилик қилган Тринити коллежида кафедрага раҳбар бўлди.

Таниқли астрофизик, профессор Стивен Хоунинг Англияда яшайди. Унинг танаси тўлиқ фалаж бўлган. Ҳамма ҳаётий муҳим органлари тўхтаб қолиш хавфи остида турибди. «Менинг бошимни кесиб олинглар, илтижо қилади профессор — ва исталган соғлом танага тикинглар».

Таниқли нейрохирург, профессор Роберт Уайт АҚШда яшайди. У астрофизиканинг бир қарашда ақл бовар қилмайдиган илтимосини бу йил бажаришга тайёр. Агар операция амалга оширилса, профессор Хоунингнинг боши инсон бошини кўчириб ўтказиш бўйича биринчи бўлади.

Роберт Уайт бундан 20 йил муқаддам кесилган бошни танага тиккан эди. Тўғри бу маймуннинг (мартишка) боши эди. Бироқ бу профессорнинг фикрича, масала моҳиятини ўзгартирмайди. Аксинча:

— Одамга бош тикиб қўйиш анча енгил, — тушунтиради Уайт. — Чунки унинг қон томирлари маймунникига нисбатан йириқроқ. Маймунда ўтказилган операция 16 соатга чўзилди. Тикилган бош наркоздан сўнг ҳушига келди, кўзини очиб, профессорга қаради ва юзини буриштирди.

— Бу жонивор эшитиш, ҳидлаш, таъмини ҳис этишга қодир эди, — деб эслайди Уайт «Штерн» немис журнали саҳифаларида. — Маймуннинг жаҳли чиққанди: овқат бериш пайтида у ассистентнинг бармоғини деярли тишлаб юлиб олди.

Профессор Демаков тажрибасида ҳам иккитаит боши бир-бирини ва атрофдагиларни тишлашга уринган. Биттаси бари бир ассистентнинг қўлидан қопиб олган. Жабрдийда қутуришга қарши эмлаш зарурати бўлмади. Чунки урушқоқ бош соппа-соғ.

Етмишинчи йилнинг ўрталарида немис хирурглари (жарроҳлари) Крайтер ва Куридж кесилган бошларини кўчириб ўтказишни синаб кўришди. Уларга автомобиль ҳалокатига учраган киши келтирилди. У деярли ўлган — боши аранг танасига илашиб турарди. Бошни кесиб олиб, ҳаёт таъминоти тизимига улашди. Агар ўша давр газеталарининг хабарларига ишонсак, бош эс-ҳуши жойида бўлиб, 21 кун

Шов-шув!

яшаган. Шу вақт ичида мос келадиган тана топилмай бош ўлган. Афсуски, кесилган бош тирик бўлган чоғида нима қилгани ҳақида ҳеч ким гапирмаган.

Уайт буни шунчаки латифа деб ҳисоблайди. Бироқ ўзи қатъий қарорга келган. Йигирма йилдан ортиқ вақтдан бери у Шимолий Американинг Кливенд шаҳридаги ўз тиббий марказида бўлғуси «аср операцияси»нинг ўтказиш техникасини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқда. Ўликларда машқ қилади, тадқиқотлар ўтказади.

Профессор кесиб олинган ва ҳеч қаерда уланмаган бошда ҳаёт тахминан тўрт дақиқа сақланишига ишонч ҳосил қилган. Бу вақт бошни кўчириб ўтказиш учун етарли эмаслиги тушунарли. Бироқ Уайт муваффақиятни таъминлайдиган услуб ихтиро этганлигига ишонади.

Профессор тажрибалар жараёнида агар бош ва тана ҳеч бўлмаганда иккита артерия ва вена қони томирлари билан бир-бирига уланган бўлса, мия ўлмаслигини топди. Тўрт дақиқада эса ҳаёт учун зарур қон томирларини тўла тўкис тикиб улгуриш мумкин. Сўнг операцияни шошилмай давом эттириш имконияти пайдо бўлади. Уайтнинг асосий сири ана шунда.

Америка профессори Уайт танасини тажриба учун тақдим қилишга тайёр бўлган кўнгиллиларни, албатта топаман деб, ҳисоблайди. Ваҳоланки бундан ҳам шубҳали тадбирлар учун кўнгиллилар топилди.

Германиянинг Мюнхен шаҳридаги технология ва меҳнат бўйича Давлат музейида «Таналар дунёси» деб номланган мудҳиш кўргазма очилди. Кўргазма экспонатлари — кесилган бошлар, қўллар, оёқлар, тананинг бошқа қисмлари, бутун ва кесимидаги таналардан иборат. Улардан ҳеч бири суньий ясама эмас: ҳақиқий ўликларники. Ҳатто беш ойлик ҳомилали аёл жасади, ичидаги кичик мурдаси билан бор.

Барча марҳумлар — экспонатлар тирик чоғларидаёқ ўз жасадларини Гейдельбергдаги университет доктори, 52 яшар анатом Гютер фон Хагенсга беришни васият қилишган. Доктор улардан томошабинлар кети узилмайдиган кўргазма яратди.

Хагенс кўргазмалилик учун мурдаларнинг терисини сидириб (шилиб) олади ва уларни ўзига хос ҳайкалига айлантиради. Анатом жасад тўқималарига ўзи кашф этган суюқ пластмассани шимдиради. Сўнг тажрибаларни иссиқлик ва ультрабинафша нурланиши билан ишлаб чиқилади. Бунинг натижасида таналар қаттиқ бўлиб қолади: бамисоли манекенга айланади, чиримайди, мангу сақланади.

Хагенс унинг кўргазмаси одамнинг тузилишини расмлар бўйича эмас, балки амалда билиш имконини беради, деб ҳисоблайди.

Чекувчининг ўпкасини қуриш — ундаги смолани чўтка билан тозалаб бўлмаслигини тушуниш учун етарли, — дейди анатом. — Ароқхўрнинг жигари уни автомобиль сифатида қайта таъмирлаш иложи йўқлигини кўргазмали равишда намойиш этиб турибди.

Муносиб ўринбосарлар

Мамлакатимизда спортнинг бокс турига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ҳаваскору профессионаллар халқаро майдонларда ажойиб ғалабаларни қўлга киритишмоқда. Пекинда жаҳон кубоги учун ўтказилган мусобақада умумҳисобда иккинчи ўринни эгалланиши ҳам шундан нишона. Муҳаммадқодир Абдуллаев билан Лазиз Зокиров олтин медаль соҳиби бўлишди. Шунингдек, яна битта кумуш, иккита бронза медали қўлга киритилди. Бу ҳаммаси юртимизда муносиб ўринбосарлар камол топаётганини кўрсатади. Шунингдек, Самарқандда соҳибқирон Амир Темур кубоги учун ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро мусобақада ҳам Т. Дониёров, Б. Хидиров, А. Жамолов, А. Мустафоев, А. Анфимов, А. Федяев, Ж. Хусанов, А. Аслонов, Қ. Хасанов, М. Соипов, Н. Азимов каби янги номлар борлиги намоён бўлди.

Спорт

Футбол майдонларида

Осиё ўйинлари. Шу йил 30 ноябрь — 19 декабрь кунлари Бангкокда Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Бу мусобақада қатнашадиган футбол жамоалари ўртасида қуръа ташланди. 27 жамоа саккиз гуруҳга бўлинди. Юртдошларимиз «Q» гуруҳида Непал, Монголия ва Кувайт терма жамоалари билан куч синашадиган бўлишди. Ўйлаймизки, футболчиларимиз мухлислар ишончини оқлашга ҳаракат қиладилар.

Осиё кубоги. «Пахтакор» — «Хўжанд» (4:1) учрашувидан кейин футболчиларимиз курашнинг навбатдаги босқичига чиқишди. Энди пахтакорчилар 9 октябрь куни Туркманистоннинг «Нисса» жамоаси меҳмони бўладилар.

Сўзда сеҳр бор

Сўз санъатининг илм даражасига кўтарилишида, фан сифатида юзага келиш замирида қазо ва қадарнинг ўрни бўлса ажаб эмас. Одам яралганда аввал адабиёт пайдо бўлган, дейилса янглиш бўлмас. Отанинг ўғилга ўргатган одоби, ҳикматона сўзлари ёки тўғри йўлга бошловчи танбеҳи — бу адабиётнинг туғилиши, халқ оғзаки ижодининг шаклланиши, торликдан борлиқни қамраб олишга интилиш — адабиётнинг яхлитланишидир. Шу тариқа адабиёт назарияси вужудга келди. Хўш, унинг илк асосчиси ким?

Барча кашф этилган нарсаларнинг илк қамровида маълум хатоликлар, камчиликлар учраши табиий. Адабиёт назариясининг илк мужассамлашган кўринишлари эрамиздан бир неча аср олдин яшаган Аристотелнинг «Поэтика» асарида кузатилади. Ғафур Ғулом номига Адабиёт ва санъат нашриёти 1980 йилда нашр этган мазкур китобнинг кириш сўзида: «Ҳозир «поэтика» сўзи ўрнида «адабиёт назарияси» термини қўлланилаётир, поэтика, кенг маънода, адабиёт назарияси демакдир», дейилган.

«Поэтика» адабиёт назариясига хос тарзда унинг асосларини бўлимларга бўлиб илк марта илмий ўрганишга ҳаракат қилинган илк уринишдир. «Поэтика» грекча сўз бўлиб, ясамоқ, ижод қилмоқ маъноларини ифодалайди. Аристотелни шарқда Арасту, «муаллими аввал», ҳаким дея эъзозлашади. Сабаби олим ўз даври ва олдинги антик даврларда яшаган олиму фузалоларни жамлаб, улар ҳақида манбавий маълумотлар битиб, келажак авлодга етказишда, қоларверса, илму ижодларини асослашда, адабиёт назариясини яратишда хизмати беқиёсдир. Муаллими соний, яъни иккинчи муаллим Фаробий: «Ҳаким Аристотель ўзининг шундай фазилати ва даҳоси билан тугатиб қўйишга жазм қилолмаган бир ишни биз ниҳоясига етказишга интилишимиздан кўра, бу санъатда фойда берадиган ва ҳозирги замонда учрайдиган қонун-қоидалар, мисол ва мулоҳазалар келтириш билан чеклансак яхшироқ бўлади», дейди. Демак, олим «Поэтика» асарини ниҳоясига етказаолмаган ёки тўлиқ нусхаси эраганлигини ёзиб қолдиради. Олим «Поэтика» асарида антик даврнинг буюк намояндалари ҳақида қимматли маълумотлар бериш билан бирга Софокл, Агафон, Гомер, Софист Полиид, Каркин, Дикеоген, Еврипид, Эсхил ва бошқа ижодкорлар асарларининг мазмун-моҳиятини атрофлича баён этади.

Аристотелнинг «Поэтика»дан ташқари «Мантиқ», «Метофизика», «Риторика», «Сиёсат» каби асарлари мавжуд.

Поэзиянинг тараққиёти ва бўлиниши

(«Поэтика»дан)

Поэзия шоирларнинг шахсий характерига мувофиқ икки турга бўлинади: чунончи, жиддийроқ шоирлар гўзал қилиқлар ва унга монанд кишиларни тасвир этадилар. Худди олдингилари гимн ва мадҳ қўшиқлар яратгандек, кейингилари дастлаб ҳажвий қўшиқлар тўқийдилар. Шоирлар Гомергача ҳам кўп бўлган бўлса-да, биз Гомернинг «Маргит»и ва шу хилдаги асарларига монанд бирон асарни таъкидлай олмаймиз. Мана шу шеърларда энг қулай ямб ўлчови пайдо бўлдики, у ҳозиргача ямбик (истеҳзоли) вазн, деб аталади, чунки унинг воситасида кишилар бир-бирларига истеҳзо қилганлар. Натижада, қадимги шоирларнинг баъзилари қаҳрамонлик вазни ва баъзилари ямбларнинг ижодкорлари бўлиб қолдилар.

Гомер поэзиянинг мураккаб турида ҳам шу қадар буюк эдики, у мукаммал шеър ижод қилибгина қолмай, балки драматик тасвирларни ҳам ярата олди. У масҳаралашга эмас, кулгили нарсага драматик пардоз бериб, биринчи марта комедиянинг асосий шаклларини ҳам бунёд қилди, бинобарин, «Илиада» ва «Одиссея» трагедияга қанчалик тааллуқли бўлса, унинг «Маргит»и комедияга шунчалик монанддир. Трагедия ва комедиялар вужудга келганида эса, табиатан поэзиянинг шу турларига мойил бўлган ямбчилар энди комик шоирлар, эпиклар эса трагиклар бўлиб қолдилар, чунки мазкур шакллар аввалгиларига нисбатан аҳамиятлироқ ва муносиброқ эди.

Юсуф ХУДОЙҚУЛ

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 29 sentyabr, seshanba № 116 (23.353).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Закийлар авлодидан

... Хоразмда қўлга тор ушлаш осон юмуш. Бу ҳавасманд болакайнинг ҳам қўлидан келади.

Икки қатор шеърни қўшиқ қилиб куйлаш ҳам унчалик машаққат талаб қилмайди. Хиргойини ҳақиқий санъат даражасида фахмлаб юрганлар озми...

Хоразмда ҳатто ўнлаб қўшиқ куйлаб, ойнаи жаҳондан тушмай, мухлислар орттириш ҳам қийин эмас. Маҳаллий «қўшиқчи» шоирларнинг «ўлдим-куйдим»лардан иборат сатрларни варанглатиб... «иномарка» миниб юрган отарчиларни санашга бармоқларимиз етмайди...

Комилжон ака тамал тошини қўйган, Отажон Худойшукуров янги босқичга олиб чиққан қўшиқчилик мактабининг ҳақиқий намоёндаси бўлиш, қадим айтим йўллари, мумтоз қўшиқларни маромига етказиб ижро этиш эса камдан кам ҳофизга насиб қилади. Чунки, талаб катта. Чунки, қўшиқчилик даъво қилиб юрганлар сон минг...

Худойберган «Сегоҳ»ни, «Севора»ни, «Қора кўзим»ни куйлаганда — дард билан, бор вужуди билан ижро қилганда айрим мухлисларнинг «Қўшиқчилигимиз енгил-елпи йўлдаги бемаза «оҳ-вой»чилар илкига тушиб қолди» дебон куйинишлари вақтли эканини англадим. Йўқ ҳали кўҳна қўшиқлар даври ўтмаган. Кўҳна қўшиқларни куйлаш машаққати, масъулияти ҳаммани ҳам чўчитиб қўймаган. Ўзини шу оғир йўлга урган, овозини салдомли оҳанглар, роҳатбахш ғамзалар билан чархлаётган, тоблаётган ёшлар бор экан. Хайрият!

Худойберган Худойберганов бошловчи ҳаваскор эмас. Профессионал ҳофиз. Чин маънодаги қўшиқчи. Ўз йўлини топиб олган,

Санъат олами

санъатнинг кўз етмас довонлари сари умид ва ишонч билан бораётган муғанний...

— ***Оилангизда санъаткорлар бўлганми?***

— Йўқ. Ким билади, қайсидир узоқ бобокалонимиз «Шашмақом»ни кўзда ёш билан ижро қилгандир? Шам ёруғида, гулханлар атрофида айтилган ва тинглаган бу қўшиқларнинг қудратини бугунда тасаввур қилиш қийинроқ...

— ***Мумтоз қўшиқчилик даргоҳига кириш ва бу маконда мўътадил, муқим яшаб қолиш қийин. Хоразм қўшиқчилик мактабининг на-да даврлар, на-да тараққиёт йўқота олмаган қайси анъанасини айта оласиз?***

— Концертми, тўйми, бошқа бирор даврадами қўшиқ айтишга чоғланган санъаткор албатта иккиучта мумтоз қўшиқни ижро қилишга мажбур. Бу яхши анъана. Ана шу «кириш қисми» биринчидан қўшиқчининг овозини ўзига хос созлаб, равонлаштирса, иккинчидан тингловчи рўпарасидаги кишининг даражасини дарров англай қолади. Агарда қўшиқчи «кириш қисми»ни ўзича ихчамлаштириб, тезоб енгил-елпи, ўйинқароқ оҳангларга ўтиб кетдими — демак унинг бор-буди шу.

— ***Сиз Огаҳий номидаги вилоят театрининг етакчи солистларидан саналасиз. Маъмуржон Узоқов ва ўтган йили Самарқанд шаҳрида ўтказилган ҳофиз Ҳожи Абдулазиз кўрик-танловларининг совриндорисиз. Қисқа фурсатда элга танилдингиз. Ютуқлар сал бўшаштириб қўймадими?***

— Даврада ўз шаънимга яхши, илиқ сўз эшитсамда буни масъулият деб қабул қиламан. Мухлислар тақдим қилмиш ҳар даста гул репертуаримга янги қўшиқ олиб келишини истайман. Фақат истак эмас, шунинг уддасидан чиқиш учун интиламан.

— ***Шоирлар билан ҳамкорлигингиз?..***

— Комил Аваз билан кўп ҳамкорлик қилдик.

У киши қўшиқ учун сўз танлаш борасида устозим. Бунинг устига озми-кўпми ўзим ҳам шеър қоралаб, куй басталаб тураман. Аммо, бу борада ҳали мақтагулик иш қилганим йўқ...

... Бугунда Худойберган ижросидаги «Севар ёринг», «Севдим жамолингни», «Ёр қадрига, ет жоним», «Ёмғир ёғар», «Қурбон ўлан», «Соғиндим»... каби ўнлаб қўшиқлар аллақачон мухлисларнинг севимли «хит»ларига айланиб улгурган. Мумтоз қўшиқлар ижросида эса Худойберган билан беллашадиганлар саноқли...

... Хоразмда қўшиқчи бўлиш осон. Бу асрий анъана ҳосиласидир. Лекин улуғ ҳофизлар бошлаган йўл давомчиси бўлиш, ҳатто бунга даъвогарлик қилиш қийин. Кўп қийин. Шу йўл бошламасида турган Худойберган буни яхши билади...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Мумтоз шоирга музей

Қорақалпоқ халқининг мумтоз шоири Бердақ Қорғабой ўғли таваллудининг 170 йиллигига тайёргарлик ишлари авж олдириб юборилди. Шаҳар ва туманларда Бердақнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган кўргазмалар ташкил қилинмоқда.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети хиёбонида Бердақ музейини қуриш режалаштирилган эди. Мана шу ерда музей қурилиши бошланиши муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Темур Камолов қатнашиб, шоирнинг улкан ижодий мероси ҳақида сўзлади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

Жиғачи пичоқлари

Қоракўл туманида «Бухоро» жамоа хўжалигида яшовчи ҳунарманд Эрсариевларни қўлидан чиқаётган турли хил пичоқларнинг бозори чаққон. Яқинда улар алоҳида цех очиб, ўз маҳсулотларини жаҳон талабларига муносиб даражада ишлаб чиқара бошладилар. Жиғачи қишлоғида халқ ҳунармандчилиги цехи яна биттага кўпайди.

Даврон БАҲРОНОВ

Жаҳон илми дурдоналари

— Чип-чип «жўжаларим» *Саъдулло БОБО олган сурат.*

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ*, навбатчи *Бобомурод РАЙИМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Баҳтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 19.629 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
Г — 0313
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.40
1 2 3 4 5 6.
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ДИҚҚАТ!

1998 йил 2 октябрь куни соат 13.00 да

УЧҚЎРҒОН ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ БЎЛАДИ.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1) ҳиссадорлик жамияти томонидан қилинган ишлар ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш йўлларига бағишланган жамият органи раҳбарининг ҳисоботи;
2) жамиятнинг ижроия органини сайлаш;
3) жамият кузатув кенгашини қайта сайлаш;
4) таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритиш;
5) ҳиссадорлик жамиятларининг бошқарув органлари ҳақидаги намунавий Низомига асосланган ҳолда ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни сотади.

Ҳақ тўлаш — пул ўтказиш йўли билан.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин.

Манзил: *Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.*

Телефон: 54-56-11.
Факс: 54-49-11
Пейжер: (067) 90-79